

УО'К.6 31 .574 /577:633.39

ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСЛАРИ ИШЧИЛАРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛУВЧИ НАФАС ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ

К.И. Иброҳимов

Бухоро давлат тиббиёт институти умумий гигиена ассистенти

Аннотация: Мақолада чорвачилик комплексларида ишчи ходимларнинг юқори нафас йўллари касалликлари ривожланишининг асосий касбий хавф омиллари, юқори нафас йўллари касалликларининг динамикаси ва тузилиши таҳлил қилинади, ушбу тоифадаги ишчилар учун касбий саломатлик хавфини бошқаришнинг гигиеник тамойиллари илмий асосланади юқори нафас йўллари касалликларининг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси бўйича тавсиялар.

Калит сўзлар: чорвачилик ходимлари, меҳнат саломатлиги учун хавф омиллари, бирламчи ва иккиламчи профилактикаси.

ФАКТОРЫ РИСКА, ВЛИЯЮЩИЕ НА РАБОТНИКОВ ЖИВОТНОВОДЧЕСКИХ КОМПЛЕКСОВ, И ПРОФИЛАКТИКА РЕСПИРАТОРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ, ВОЗНИКАЮЩИХ В ПРОЦЕССЕ ПРОИЗВОДСТВА

К.И. Ибрагимов

Бухарский государственный медицинский институт
ассистент общей гигиены

Абстрактный

В статье проанализированы основные профессиональные факторы риска развития заболеваний верхних дыхательных путей у работников животноводческих комплексов, динамика и структура заболеваний верхних дыхательных путей, гигиенические принципы управления профессиональным риском для этой категории работников основаны на научных рекомендациях. для первичной и вторичной профилактики заболеваний верхних дыхательных путей.

Ключевые слова: животноводы, факторы риска профессионального здоровья, первичная и вторичная профилактика.

Сўнги ўн йилликда атроф-муҳит омиллари, шу жумладан ишлаб чиқариш жараёнида саноат касалликлари туфайли келиб чиқадиган нафас олиш органлари касалликлари (РПД) тобора долзарб бўлиб бормокда - бутун дунёда тиббий ва ижтимоий аҳамиятга эга. ЖССТ экспертларининг маълумотларига кўра, 2023 йилда 75 миллион ўлим, 11,9 миллион (17,5 фоиз) нафас йўллари касалликлари 14,9 миллион Сovid-19 (4,7 миллион - сурункали обструктив ўпка касаллиги, 2,5 миллион - пневмония; 1,3 миллион - сил; астма 180000 минг, ўткир респиратор инфекциялар 1,3 миллион, 2,3 миллион - ўпка саратони) сабаб бўлади.

2022- йил 1- январ ҳолатига Республикамизда аҳолини биринчи марта

ташхис билан қайд қилинган касалликларга чалиниш турлари бо‘йича енг юқори кўрсаткич нафас органлари касалликлари ҳиссасига тўғри келиб, ҳар 100 минг аҳолидан 13 минг нафарида ушбу касалланиш кузатилмоқда.

2023-йилда вафот етганларнинг 8,8 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 24,6 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдагилар, 66,6 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳисобланади. 2022-йилда умумий ўлим кўрсаткичининг 20 фоизи 20 ёшгача, 24,6 фоизи 20 ёшдан 59 ёшгача ва 55,4 фоизи 60 ёш ва ундан катта бўлган шахслар билан содир бўлгани [хабар қилинган](#). Шу тариқа болалар ва ёшлар ўртасидаги ўлим улушининг сезиларли (2,3 баравар) қисқариши ва қариялар улушининг бироз ўсиши кузатилган.

Жаҳон статистикасига ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили 2,3 миллионга яқин еркак ва аёл ишлаб чиқаришдаги бахциз ҳодисалар ёки иш билан боғлиқ касалликлар натижасида вафот этади - ҳар куни ўртача дунё бўйича 6000 кишига тўғри келади. Дунё бўйлаб ҳар йили тахминан 340 миллион ишлаб чиқариш бахциз ҳодисалари ва 160 миллион касб касалликлари қурбонлари рўйхатга олинади. Жаҳон статистикасига ушбу маълумотларни мунтазам равишда янгилаб туради, бу маълумотлардаги ўзгаришлар бахциз ҳодисалар сонининг кўпайиши ва соғлиқнинг ёмонлашишини кўрсатади.

Муаммонинг долзарблиги. Чорвачилик комплексларида меҳнат шароити натижасида юзага келадиган нафас олиш касалликларининг, тарқалиши, этиологияси, патогенези ва клиник кўринишлари бўйича ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Илмий иш натижалари: Ҳозирги вақтда чорвачилик комплексларида ишлаб чиқариш асосий технологик жараёнлар ҳайвонларни боқиш ва суғориш, гўнгни олиб ташлаш, соғиш, ветеринария ишлов бериш, бинолар ва жиҳозларни тозалаш ва дезинфекция қилишдан иборатдир. Чорва молларига озика тайёрлаш алоҳида ем тайёрлаш цехларига амалга оширилади ва чорва молларига тарқатиш қўл меҳнати ва қисман автоматлаштирилган[1,3,12].

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида шуни кўрсатдики чорвачилик комплекси ишчиларининг меҳнат шароитларини чорвачиликда меҳнат жараёни жуда қизғин еканлигини кўрсатди. Асосий иш турларини бажаришда операцион иш юки смена вақтининг 92-96% ни ташкил қилади ва ишчилар орасида дам олиш режимини тўғри тақсимланмаганлигини кўрсатади.

Чорвачилик комплексларида иш шароитининг тиғизлиги таҳлил қилганда қуйидагилар аниқланди: соғин ва гўштга боқиладиган сигирларни парваришлайдиган ишчиларда 88-90 %, бузоқчаларни парваришлайдиган - ишчиларда 75-78 %, сут соғувчиларда 45-55 %, омухта ем тайёрлаш цехида 72-79 %, кушхона қассобларида 35-40 %, чорва моллари хоналарини тозаловчи ишчиларда 65-70 %ни, ветеринария бўлими ходимларида 60-75 %ни ташкил этади[12,15,18].

Чорвачилик комплекслари кўпчилик технологиясини қора молларни озиклантириш, хоналарни тозалаш, гўнглари чиқариш, омухта ем тайёрлаш, сигирларни соғиш автоматлашган ва механизациялашганлигига қарамасдан хоналарни тозалаш, гўнглари транспортёрга юклаш қора молларга озик тарқатишнинг айрим жараёнлари ишчилардан қўшимча жисмоний меҳнатни

талаб қилади. Демак, жадал мушак фаолияти, айрим технологик жараёнлар ишчи хизматчилардан қоматнинг мажбури эгилиши, юқори ва кўш ҳаракат аъзолари, елка мушаклари, бел умуртка аъзоларига юқори жисмоний босимни пайдо бўлишига олиб келади. Станоклар хоналари тозалаш, молларга озиқа тарқатиш, гўштга мўлжалланган молларни сўйишда ишчилар мингтадан иккимингтагача бир турдаги ҳаракатни бажарадилар. Шунинг билан бир қаторда молларга ветеринария хизмати кўрсатиш, уларни ўлчаш, эмлаш, кастрасия қилишга катта жисмоний куч сарфланади[19,20,21].

Шуни алоҳида такидлаш керакки, катта молларни парваришловчи, озиқа тарқатувчи ишчилар ҳар сменадан 4-6 км йўл босадилар. Чорвачилик комплекси асосий бўлимлари ишчилари, ветеринария хизматини ходимларида белгиланган режимни қатъий сақлаш, белгиланган ўрнатиш, жадвал тартибига риоя қилиш, ҳайвонлар соғлиги олдидаги жавобгарликни ҳис этган ҳолатда қайта асаб эмоционал босим пайдо бўлади. Чорва ҳайвонлари билан бевосита мулоқот натижасида ишчи- хизматчиларда турли шикастланишлар ва зооантропоноз касаликларига дучор бўладилар[15,16,17].

Меҳнат шароитини баҳолашда меҳнат жараёнининг оғирлиги ва кескинлиги баҳолашда куйидаги кўрсаткичларни яъни меҳнатнинг оғирлигининг баҳолашда: иш ҳаракатининг стереотипи, иш ҳолати, смена давомида эгилишлар сони, фазода ҳаракатлар сони, статик зўриқиш.

Меҳнат жараёнининг кескинлиги: ишнинг монотонлиги, сенсор зўриқиш, интеллектуал зўриқиш, кўриш анализаторига тушадиган зўриқиш, иш вақти, баҳолашдан иборат.

Меҳнат шароитларининг оғирлик кўрсаткичлари эса иш шароитини баҳолаш, технологик жараёнга боғлиқ ҳолда, иш куни давомида кўтариладиган юкнинг массаси, иш ҳолати, стереотипли ҳаракатларининг миқдори, тананинг эгилиш ҳолати, иш жойларидаги ҳаракатларни ҳисобга олиш асосида амалга оширилади[5,16,18].

соғин ва гўштга боқиладиган молларни парваришлаш биносидagi иш жараёнининг оғирлигини баҳолашда куйидаги омиллар бўйича, яъни, кимёвий омиллар, чангланганлик, микроблар бўйича ифлосланганлик даражасида, шовқин, микроклим, меҳнатнинг егилли даражаси ва оғирлик даражасининг натижалари умумлаштирилган тартибда баҳоланди ва натижалар келтирилган бўлиб, умумий оғирлик даражаси бўйича 3.2-синфга киритилган.

Омухта ем тайёрлов цехи ва туғруқхона бўлими ишчиларининг меҳнат шароити ҳам 3.2-синфга киритилган. Сут соғувчилари ва қушхона ва молхонани тозаловчиларнинг ишчиларнинг меҳнат шароити 3.1-синфга киритилган. Лабарант, ветеринар, қоровул ва ҳисобчиларнинг меҳнат шароити бўйича оғирлик даражаси 2,0-синфга киритилган.

Соғин ва гўштга боқиладиган молларни парваришлаш, туғруқхона ишчилари, сут соғувчилар, қушхона ишчиси, омухта ем тайёрлов цехи ишчилари ҳамда молхонани тозаловчи ишчилар иш жараёнининг оғирлигини кимёвий омиллар натижаси асосида баҳоланганда 3,1 синфга, чангланганлик бўйича 2,0 синфга, шовқин бўйича 3,1синфга, микроклим кўрсаткичлари бўйича 2,0 синфга, меҳнат тифизлиги бўйича 2 синфга киритилган[18,19,20].

Лабарант, ветеринар, қоровул ва ҳисобчилар иш жараёнинг оғирлиги кимёвий омиллар, чангланганлик, микроблар бўйича ифлосланганлик даражасида, шовқин, микроиклим, меҳнатнинг тифизлиги даражаси ва оғирлик даражасининг натижалари бўйича баҳоланганда 2 синфга киритилган.

Шунинг билан бир қаторда айрим ишчи ўринларида алоҳида вақрларда шовқин асосий зарарли омил сифатида акс этади.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, чорвачилик комплекси ишчи ўринлари ҳавоси асосан микроорганизмлар, газлар (водород сульфит, аммиак, метилмеркаптан), чанглар билан ифлосланади. Бундай зарарли омилларнинг ишчи хизматчилар организмига комплекс таъсири натижасида уларда юқори нафас аъзолари паталогиялари, шу жумадан аллергияс касалликлар авж олади.

Чорвачилик комплексида ишчи- хизматчилар меҳнати ўрта даражадаги жисмоний меҳнат турига киради. Айрим технологик жараёнлар камайишни боқилган мажбурий ҳолатида юқори жисмоний босим остида бажарилади. Юқоридаги паталогиялар билан бир қаторда ишчиларда периферик нерв тизими касалликларига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб бугунги замон чорвачилик комплексида ишчи хизматчилар меҳнати 3.1 ва 3.2 синфларга мансуб зарарли иш шароити билан боғлиқ касблар турига киради.

Шундай қилиб, чорвачилик комплекслари ишловчи ишчилар меҳнат шароитларининг гигиеник хусусиятларини таҳлил қилиш амалдаги қоидаларга мувофиқ ишчиларнинг нафас олиш тизимининг ҳолатига таъсир қилувчи ва қуйидаги зарарли ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш имконини беради касбий касалликларнинг ривожланишига олиб келади

Чорвадорларда чанг омили, иш жойидаги ҳавонинг мураккаб таркиби ва микроиклим ноқулайлиги, ишчи организмнинг индивидуал сезувчанлиги, органик чанг ва микрофлорага аллергия реакциялар натижасида ривожланганидан, шунингдек, чангнинг кимёвий ва механик таркибий қисми ва унинг фиброген таъсири катта аҳамиятга ега.

Вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ умумий касалланиш таркибида чорвадорлар ўртасида юқори нафас аъзолари касалликлари меҳнат шароитлари ва ишчиларнинг касбий тажрибасига қараб сезиларли даражасида ўғариб туради.

Чорвачилик комплексларида ишловчи ишчилар 100 та ишчига нисбатан касалланишлар структураси, меҳнатга яроқсизлик ҳоллари ва кунлари (3 ҳолатда ҳам) ичида етакчи ўринни нафас олиш аъзолари касалликлари (30,4%), ташқи сабаблар таъсирининг жароҳатлари, захарланишлар ва айрим бошқа оқибатлари (8,7%), суяк-мушак тизими ва қўшувчи тўқима касалликлари (18,8%), нерв тизими касалликлари (10,4%), ҳазм аъзолари касалликлари (12,8%), қон айланиш тизими касалликлари (9,2%) ни ташкил қилди[14,15,17].

Касалланишлар структураси орасида нафас олиш аъзолари касалликлари билан вақтинча меҳнат қобилиятини йўқатишлари $68,2 \pm 1,15$ ҳолат 491,04 кун ва нафас олиш аъзолари касалликлари бўйича битта ҳолатнинг ўртача давомийлиги 7,2 кунни ташкил этди. Нафас олиш аъзолари касалликлари орасида

ишчиларнинг вақтинча меҳнат қобилиятини йўқатишлари билан касалланишининг энг кўп учрайдиган нозологик шакллари ЎРВИ, асосий ишчи ўринларида назорат гуруҳига қараганда юқори нафас йўллари ўткир респиратор инфекциялар ўткир фарингит ва ўткир тонзиллит (ангина) мос равишда $34,7 \pm 1,14$ ва $32,6 \pm 1,12$, фарингит $19,2 \pm 0,66$ ва $22,5 \pm 0,8$ ларингит $20,3 \pm 0,78$ ва $19,9 \pm 0,68$ сурункали отит $25,8 \pm 0,9$ ва $24,8 \pm 0,86$) юқорилиги қайд этилди (1-2 расм).



1 расм асосий гуруҳ ишчилари орасида ишчилар орасида юқори нафас йўллари касалликлари **2 расм назорат гуруҳ юқори нафас йўллари касалликлари**

Ангина касаллиги асосан сут соғувчиларда (24,5%), қушхона ишчилари (18,6%), омухта ем тайёрлаш цехи ишчилари (16,4%) ва молхона тозоловчилар (40,2) юқорилиги кузатилди. Фарингит, ларингит касалликлари ҳам асосан юқорида номлари кўрсатилган бўлимлар ишчиларида қайд этилди [6,8,9,12].

Шуни алоҳида такидлаш керакки, омухта ем ишлаб чиқариш цехида шовқин даражасининг доимий юқорилиги ($90,6 \pm 6,1$) ва унинг иш давомида ишчиларга кунида 5,5 соат таъсир этиши натижасида ишчиларда курункали отит касаллигининг юқорилиги ($25,8 \pm 3,4$) кузатилди уларнинг даражаси кўпинча РЭК дан ошади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Uktamovich, K. O. CLINICAL AND THERAPEUTIC NUTRITION. // *EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE*, (2023). – P. 42–44.
2. Uktamovich, K. O. Diets of Altered Consistency. // *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*, (2023). – P. 81–84.
3. Uktamovich, K. O. Ecological Approaches to Human Nutrition. // *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*, (2022). - P. 251–254.
4. Uktamovich, K. O. Impact of Ecology on Health. // *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*, (2022). – P. 255–257.
5. Uktamovich, K. O., & Gafurovna, A. N. NUTRIENT RECOMMENDATIONS AND DIETARY GUIDELINES FOR PRAGNENT WOMEN. // *FAN, TA'LIM VA AMALIYOTNING INTEGRASIYASI*, 3(6), . (2022). - P. 340-342
6. Uktamovich, K. O. Study of Health Indicators. // *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*, (2023). – P. 91–92.
7. Kadyrov Oybek Uktamovich. Noise as a Harmful Production Factor. // *American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences*, (2023). - P.249–251.
8. Kadyrov Oybek Uktamovich. Industrial Poisons, Prevention of Occupational Poisoning. // *American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences*, (2023). – P. 246–248.

9. Uktamovich, K. O. Dental Care Rules. // *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*, (2023). - P. 88–90.
10. Uktamovich, K. O. How to Properly Care behind the Oral Cavity. // *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*, (2023). - P. 86–87.
11. Ibrohimov K. I. Features of Labor in Agriculture // *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES*. Volume. – 2022. – Т. 2. – С. 87-91.
12. Ibrohimov KI. The Meal of Students // *Indonesian Journal of Education Methods Development*. - 2022. - Т. 20. - S. 10.21070 / *ijemd*. v20i. 629-10.21070/*ijemd*. v20i. 629.
13. Ibrohimov K. I. Health State of Workers of Cotton Enterprises, Structure of Diseases, Influence of Age and Work Experience // *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*. – 2022. – С. 55-59.
14. Иброҳимов К. И. Чорвачилик Комплекслари Ва Фермаларда Ишловчи Ишчиларнинг Саломатлик Ҳолати, Касалланишлар Структураси, Ёш Ҳамда Иш Стажининг Таъсири // *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 334-338.
15. Иброҳимов К. И. Чорвачилик Комплекслари Ва Фермаларда Ишловчи Ишчиларнинг Саломатлик Ҳолати, Касалланишлар Структураси, Ёш Ҳамда Иш Стажининг Таъсири // *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 334-338.
16. Ibrohimov K. I. Research of Dust Content in the Air in Production Premises of a Grain Processing Enterprise // *Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences*. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 76-80.
17. Ibrohimov K. I. INCIDENCE RATES OF LIVESTOCK COMPLEX EMPLOYEES WITH INFECTIOUS DISEASES // *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 225-229.
18. Иброҳимов К. И. ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСЛАРИДА ЗАРАРЛИ ОМИЛЛАРНИ ТЕКШИРИШ МАТЕРИАЛЛАР, ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ТЕКШИРИШ ҲАЖМИ // *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*. – 2023. – Т. 19. – №. 10. – С. 181-187.
19. **Ibrohimov K. I. Effect of Smoking on the Mineralizing Ability of Oral Fluid// INTERNATIONAL JOURNAL OF HEALTH SYSTEMS AND MEDICAL SCIENCES. - 2023/2/11. -Т. 2– №. 2.-С. 11-12**
20. Ibrohimov K. I. Chorvachilik Komplekslari Xodimlarining Ish Sharoitlari. Brusellyoz Kasalligi Bilan Kasallanish Ko'rsatkichlari // *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*. – 2022. – С. 20-23.
21. Ibrohimov K. I. Hygienic Assessment of Microclimate Indicators in the Main Departments of the Livestock Complex// *International Journal of Studies in Natural and Medical Sciences*.- 2023.-С. 21-25.